

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ (БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ МИСОЛИДА)

Рахимов Сарварбек Абдумуталлибжонович

Давлат божхона кўмитасининг Божхона институти “Божхона иши” факультет

бошлиғи ўринбосари

sarvarbekabdumutallibjonovich@gmail.com,

+998-88-701-51-61

АННОТАЦИЯ

Мақолада коррупцияга қарши курашишнинг долзарблиги, божхонадаги муаммолар бўйича халқаро ташиқлотлар маълумотлари, божхонадаги коррупциянинг таҳдидлари, ахборот-таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти, коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлилий фаолиятни қўллашнинг ижобий натижалари ёритилган.

Калим сўзлар: *Transparency International, Жаҳон божхона ташиқлоти, Аруш декларацияси, хавфни бошқариш тизими, ахборот-таҳлилий фаолият, ахборот-таҳлил тузилмаси*

АННОТАЦИЯ

В статье освещается актуальность борьбы с коррупцией, данные международных организаций о проблемах таможен, угрозы коррупции на таможне, важность информационно-аналитической деятельности, положительные результаты использования информационно-аналитической деятельности в борьбе с коррупцией.

Ключевые слова: *Transparency International, Всемирная таможенная организация, декларация Аруш, система управления рисками, информационно-аналитическая деятельность, информационно-аналитическая структура*

ABSTRACT

The article highlights the relevance of the fight against corruption, the data of international organizations on the problems of customs, the threat of corruption at customs, the importance of information and analytical activities, the positive results of the use of information and analytical activities in the fight against corruption.

Keywords: *Transparency International, World Customs Organization, Arusha declaration, risk management system, information and analytical activities, information and analytical structure*

КИРИШ

Бугунги кунда, инсон билан боғлиқ барча фаолият соҳаларида ахборот-таҳлилий ишининг аҳамияти ортмоқда. Ахборот таҳлилий иши ўзида барча илмий-техник, ташкилий-бошқарув ва махсус фанларга оид билимларни жамлаганлиги сабабли илғор тажрибага эга ривожланган давлатлар томонидан уни коррупцияга қарши курашишдаги асосий восита сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар замирида соҳага оид илғор тажрибаларга асосланганлиги, ахборот-таҳлилий фаолиятни кенг қўллашни тақозо этади. Республикада коррупция ва унинг даражаси маҳаллий тадқиқотчилар билан бир қаторда халқаро тадқиқотчиларнинг ҳам доимий эътибор марказида бўлиб, уларнинг хулосалари мамлакат инвестицион жозибадорлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Хусусан, 2016 йилда Transparency International томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Ўзбекистонда яшаётган фуқароларнинг 22% қисми коррупцияни мамлакат дуч келаётган 3 та энг асосий муаммодан биттаси деб ҳисоблаши маълум бўлган¹. Шунингдек, “Ижтимоий фикр” маркази томонидан 2017 йилда Ўзбекистоннинг 14 та ҳудудидан иштирок этган респондентлар ўртасида ўтказилган сўровнома таҳлилларига кўра, 56,8% иштирокчилар жамиятда коррупция бор деб ҳисоблаши аниқланган.

Коррупцияни бартараф этишдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг барча нутқларида муаммога тизимли ёндашиш, танқидий таҳлил қилиш, мавжуд тизим самарадорлигини ошириш каби ахборот-таҳлилий фаолиятга оид жумлалар кўп мартаба қўлланилаётгани кўришимиз мумкин. Хусусан юртбошимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида коррупцияга қарши курашиш борасида куйидаги фикрлар билдирилган: “Халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар, жумладан, Швеция, Финландия, Сингапур, Жанубий Корея тажрибаси шундан далолат берадики, айнан коррупциянинг илдизига болта уриш давлат сиёсати ва ислохотларининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланиши ҳамда бу борада тизимли равишда иш олиб борилиши уларнинг юксак натижаларга эришишига хизмат қилди. Бунда асосий вазифа сифатида айнан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат

¹ http://www.transparency.org/whatwedo/publication/people_and_corruption_europe_and_central_asia_2016

органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг, бутун жамиятнинг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш белгиланган”.

Ушбу жумлалар шуни таъкидлайдики, коррупцияга қарши курашиш фақатгина давлат органларининг эмас, балки барчанинг унга қарши биргаликдаги ҳаракатини талаб қилади. Ушбу ўринда айнан биргаликда ҳаракат деганда уларнинг бир тизимнинг тизим ости элементлари сифатидаги бир мақсадга йўналтирилган фаолияти тушунилади. Чунки, қарши курашиш фаолиятида иштирок этувчиларнинг ҳаммаси турлича ва ўзаро узвий боғлиқ бўлмаган ҳаракатни амалга ошириши кўзланган мақсадга эришишга имкон бермайди. Айти шу жараён тузилмалар фаолиятида ахборот-таҳлилий фаолиятга эҳтиёжни юзага келтиради.

Мақолада ахборот-таҳлилий фаолиятни коррупцияга қарши курашишдаги аҳамияти, уни қўллаш усуллари ва божхонадаги коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлилий фаолиятнинг долзарб муаммолари ҳақида сўз юритилган.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Коррупция ва унга қарши курашиш масалалари, ахборот-таҳлилий фаолият бўйича тадқиқотлар кўплаб маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган.

Хусусан, ахборот-таҳлилий фаолият М.И.Атаев, С.А.Ивашков, Д.Н.Темиров, А.Б.Турдиматов, В.В.Парамонов, И.Бобоқулов каби маҳаллий тадқиқотчилар ва томонидан ўрганилган.

Шунингдек, С.В.Барамзин, В.Ю.Дианова, Л.А.Лозбенко, В.В.Макрусев, В.Т.Тимофеев каби Россия божхона академияси тадқиқотчилари томонидан божхона органларидаги ахборот-таҳлилий фаолиятни такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Божхонадаги коррупция ва унинг турлари бўйича қарашлар Ю.П.Гармаев, Т.А.Диканова, С.П.Кушниренко, В.Д.Ларичев, Е.В.Милякина, Е.А.Орлова, Ю.И.Сучковларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Лекин, божхонадаги коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлилий фаолиятни такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганилмаган соҳа ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур мақолада мавзуга доир маҳаллий ва хорижий олимларнинг номзодлик диссертациялари, мақолаларини таҳлил қилиш ҳамда ёндашув ва

қарашларини тадқиқ этиш, уларга нисбатан муаллифлик муносабатини билдириш, шунингдек мавжуд маълумотлар доирасида омилли, қиёсий ва статистик таҳлилдан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

а) мавзунинг долзарблиги

Коррупция ижтимоий хавфли ходиса бўлиб, унга қарши курашиш самарали натижа берувчи барча воситаларни ва комплекс ёндашувни қўллашни талаб этади. Емирувчи хусусиятни ҳисобга олган ҳолда коррупцияни аниқлаш ва уни йўқ қилиш мақсадида деярли барча давлатларда қарши курашиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Коррупциянинг фақатгина бир давлат ҳудудига тааллуқли эмаслиги аллақачон барчага маълум бўлиб, қарши курашишда ҳудудий, миллий ва халқаро даражадаги чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Коррупцияни қабул қилиш ва англаш даражаси турли воситалар орқали доимий ўрганиб борилмоқда.

Бугунги кунда, коррупция ва бошқа турдаги жиноятчиликларни олдини олишда халқаро майдонда қўлланилаётган муҳим воситалардан бири ахборот-таҳлилий фаолият ҳисобланади.

“Ахборот-таҳлилий фаолият” тушунчаси илмийлик томонидан нисбатан янги атама ҳисоблангани учун у тўғрисида турли манбааларда турлича изоҳлар берилади. Хусусан, А.Б.Халевинская “қўйилган вазифа предмети соҳасига оид маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ жараёни ахборот таҳлилий фаолият” деб атаган.

Ахборот-таҳлилий фаолият натижасида алоҳида фактлар режалаштириш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ маълум қарорларни қабул қилувчи ва бажарувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар учун мўлжалланган тайёр маҳсулотга айланади. Шунинг учун, ахборот-таҳлилий фаолият жараёнида:

- бутун бир ташкилот ёки унинг ўрганилаётган соҳасига оид муаммолар аниқланади ва маълум бир формага солинади;
- ушбу муаммони ҳал этишда муҳим бўлган маълумотлар жамланади ва тизимлаштирилади;
- ўзгарувчан вазиятлар шароитида ушбу муаммони ҳал этишнинг аниқ вазифалари белгилаб берилади;
- муаммони ҳал этишга қаратилган ахборот-таҳлилий иши натижалари асосида қарор қабул қилинади ва амалга оширилади;

- бошқарув субъектига қадар ахборот-таҳлилий иш натижалари маълум қилинади.

Ахборот-таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти юқорилиги Ўзбекистон Республикасида тадқиқот ишлари олиб борган халқаро экспертлар томонидан доимий таъкидлаб келинади.

Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1998 йилда тузилган Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари коррупцияга қарши курашиш тармоғининг 2003 йилда бошланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунди давомида ўтказилган тадқиқотлар натижасида экспертлар томонидан тайёрланган ва ИХРТнинг 2019 йил 21 мартда Парижда имзоланган “Ўзбекистондаги коррупцияга қарши реформалар” деб номланган ҳисоботида Давлат солиқ қўмитаси фаолияти учун “коррупция ва бошқа турдаги жиноятларни, шунингдек, камчиликларни аниқлаш самарадорлигини ошириш учун замонавий таҳлил усуллари, шу жумладан, катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш орқали шубҳали хатти-ҳаракатлар, коррупция хавфлари, аномал ҳаракатларни аниқлашга кўмаклашувчи компьютер дастурий таъминотларини жорий этиш²” тавсия этилган.

Шунингдек, Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Арманистон, Азарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Тожикистон, Украина ва Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар яқунлари бўйича 2020 йилда эълон қилинган “Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида такомиллаштиришлар: 2016-2019 йиллардаги ютуқлар ва муаммолар” деб номланган таҳлилий маълумотида коррупцияга қарши курашишда таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилган:

- юқоридаги давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупцияни аниқлаш мақсадида маълумотларни қабул қилиш спектри кенгайтирилган бўлсада уларнинг таҳлилий манбаларининг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаган;

- Тожикистоннинг коррупцияга қарши курашиш комиссияси ва Агентлигида таҳлилий фаолият тўғри йўлга қўйилмаган;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган Грузия каби давлатларда бу фаолият билан шуғулланувчи Кенгашларни

² https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

таҳлилий фаолият билан шуғулланувчи тузилмалар, жумладан, Адлия вазирлиги таҳлил бўлими маълумот билан таъминлаб туради;

- коррупцияга қарши курашиш фаолиятида янада самарали таҳлилий ва методологик қўллаб-қувватлашни таъминлаш тавсия этилган;

- коррупция бўйича маълумот манбаалари билан ишлашда таҳлилий ишлар амалга оширилмаганлиги ва халқаро ҳамкорликка таянилмаганлиги билдирилган.

б) божхонадаги коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти

Божхона органларида коррупцияга қарши курашишнинг аҳамияти унинг ижтимоий хавфлилиги билан боғлиқ. Бугунги божхона фақатгина давлатнинг бюджетини тўлдирувчи восита бўлиб қолмай, унинг хавфсизлигини таъминлашдаги асосий органлардан бири даражасини эгалламоқда. Шу сабаб, XXI асрга келиб божхона органлари олдида турган вазифалар спектрида савдо ва ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви шароитида хизмат олиб бориш, қамбағаллик даражасида яшаётган аҳоли қатламини камайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, мураккаб қонунчилик базасини маъмурий бошқариш, табиатни асраб-авайлаш, трансмиллий хусусиятга эга терроризм ва бошқа турдаги жиноятчиликларга қарши курашишларни кўришимиз мумкин.

Божхона органлари фаолияти билан боғлиқ жиноятлар қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Чунки, уюшган жиноий гуруҳлар такомиллашган замонавий технологиялар билан қуролланган бўлиб, бу уларга чегаранинг ҳар икки томонидан ҳаракатлана олиш ва исталган товарларни ҳоҳлаган манзилига етказа олиш имкониятини бермоқда. Женева Демократик назорат маркази томонидан қуролли кучлар устидан назорат бўйича тайёрланган ҳужжатда хавфсизликка таҳдидлар 5 та асосий гуруҳга бўлинган:

1. Чегарани кесиб ўтиш билан боғлиқ “одатий” турдаги жиноятлар (масалан: бир давлат ҳудудидан автотранспорт воситасини ўғирлаб, бошқа давлат ҳудудида эҳтиёт қисмларига ажратиб юбориш);

2. Техник қоида бузарликлар (масалан: чегарадан ўтиш билан боғлиқ керакли ҳужжатларни мавжуд бўлмаслиги);

3. Трансмиллий уюшган жиноятлар (ўзида турли шакл ва кўринишдаги жиноятларни мужассамлаштиради: автотранспорт воситалари контрабандаси, қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси, наркотик ва бошқа гиёҳвандликлар

савдоси, одам савдоси, радиоактив воситаларни ноқонуний ташилиши ва бошқалар);

4. Террористик таҳдид;

5. Чегарада назоратни амалга оширувчи ходимни ҳалоллигини кўпорувчи жиноятлар (коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш).

Ушбу таҳдидларни юзага келишида божхона ходимларининг касбий этика қоидаларига риоя этмасликлари асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, коррупцияга қарши курашишда божхона органлари олдида турган асосий чора-тадбирлардан бири ходимларда коррупцияга нисбатан мурасасизлик руҳига йўғирилган касбий этикани ва ахборот-таҳлилий фаолиятни ривожлантириш масаласи эканлигини кўришимиз мумкин.

Жахон божхона ташкилоти томонидан ҳам коррупцияга қарши курашиш масалалари тўғрисида юритилган ҳар бир нутқда касбий этикани асосий воситалардан бири сифатида доимий эътироф этиб келинади. Хусусан, ташкилот томонидан 2008 йилда қабул қилинган “Божхона XXI асрда” (№SC0090E1a) ҳужжатининг “Чегараларда хавфсизликни таъминлаш ва савдо тартиботларини соддалаштириш орқали ривожланиш ва ўсишни таъминлаш” деб номланган 2-иловасида глобаллашув шароитида божхона органлари олдида товар ва транспорт воситалари ҳаракатланишини назорат қилиш билан боғлиқ янги стратегияни қабул қилишни ва унда қуйидагилар инobatга олиниши лозимлигини билдиради:

- божхона органлари ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликнинг янги даражаси;

- чегараларни маъмурий бошқаришнинг янада юқори даражасини жорий этиш;

- **ахборот-таҳлилий фаолиятга асосланган хавфни бошқариш тизими;**

- тадбиркорлик гуруҳлари ва божхона маъмуриятлари ўртасида алоқа;

- хизматга замонавий технологиялар ва усулларни қўллаш;

- товарларга оид маълумотларни жамлаш, бошқариш ва таҳлил қилишнинг янги воситалардан фойдаланиш;

- ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- касбий тайёргарлик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш;

- институционал ривожланиш;

- касбий этикани такомиллаштириш.

Божхонадаги коррупцияга қарши курашиш мақсадида ўтказилган конференция ва учрашувлар давомида барча божхона маъмуриятларига

тавсиявий ҳарактердаги бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Бундай ҳужжатлар Аруш декларацияси, 1994 йилги Колумбия декларацияси ва 1997 йилги Лим декларациясиларни мисол келтириш мумкин. Ушбу ҳужжатларнинг барчасида коррупцияга қарши курашиш воситаларидан бири сифатида ахборот-таҳлилий фаолиятни такомиллаштирилиши зарурлиги билдирилган.

Ахборот-таҳлилий фаолиятга турли давлат ва бошқарув органларида қараш ва ундан фойдаланиш даражаси турлича. Шу сабабли, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолиятдан келиб чиқиб, улардаги ахборот-таҳлилий фаолиятни турлича изоҳлаш мумкин.

Ҳусусан, **божхона органларидаги ахборот-таҳлилий фаолият** таркибий тузилмалар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тадқиқотлар бўлиб, воқеалар ривожини мазмунан тушуниш, унинг сабаблари ва ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, мавжуд ҳолатни ўрганиш, шунингдек, амалга оширилган ва режалаштирилган чора-тадбирларни баҳолаш ҳисобланади.

Божхона органларидаги ахборот-таҳлилий фаолият асосан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- божхона органлари фаолиятини баҳолаш ва вақтлар кесимида улардаги ўзгаришларни аниқлаш;
- божхона органлари фаолиятига таъсир этувчи омилларни прогноз қилиш ва уларнинг таъсир даражасини баҳолаш;
- божхона органлари фаолияти самарадорлигини оширувчи қўшимча манбааларни аниқлаш.

Шу сабабли, божхона органлари олдида қўйилган вазифаларни бажаришда ахборот-таҳлилий фаолият асосий восита ҳисобланади. Божхона назоратини амалга ошириш билан боғлиқ барча босқичлардаги операциялар билан боғлиқ маълумотларни жамлаш, уларни таҳлил қилиш ва прогнозлар ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ ахборот-таҳлилий иш амалга оширилади. Божхона органларидаги ахборот-таҳлилий фаолиятда маълумот билан таъминланганликнинг аҳамияти юқори бўлиб, ўрганилаётган соҳага оид қарор қабул қилишда асослантирилганлик даражаси юқори бўлиши лозим.

Божхонадаги ахборот-таҳлилий фаолият турлари ва маълумот манбаалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни таҳлили қилиш учун божхона статистикаси маълумотлари;

- божхонанинг иқтисодий блоги таҳлили учун бухгалтерия ҳисоботлари, божхона қиймати, валюта назорати, божхона тўловлари ҳисоботлари;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаси таҳлили учун тезкор-қидирув ва маъмурий ҳужжатлар ҳисоботлари;
- бошқарув фаолияти таҳлили учун кадрлар билан ишлаш, ташкилий-тузилмавий тадбирлар, инспекторлик назорати ҳисоботларига таянилади.

Бугунги кунда, божхона органларидаги ахборот-таҳлилий фаолиятнинг муҳим бир истиқболли йўналишларидан бири ташқи иқтисодий фаолият (кейинги ўринларда ТИФ) қатнашчиларининг – тадбиркорлик субъектларининг ишончлилиги ва интизомлилигини баҳолаш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ушбу жараёнда ахборот-таҳлилий фаолият тадбиркорлик субъектларини улар томонидан қонун бузулиши ҳолатлари содир этилишига мойиллик даражаларига кўра хавф гуруҳларига тоифаланишидаги энг муҳим соҳа ҳисобланади. Чунки, хавф гуруҳларига тоифалаш ТИФ қатнашчиси фаолияти, олиб ўтаётган товарлари бўйича ўтказилган божхона назорати ва божхона операциялари натижаларини, божхона органларига тақдим этилган ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни доимий ва ҳар томонлама таҳлилинини талаб этади. Тоифалаш натижалари асосида Хавфни бошқариш ААТ тизимига кўра, ТИФ қатнашчилари хавф даражаси паст, ўрта ва юқори гуруҳларга ажратилиб, божхона назоратининг турлича қўлланилишига асос яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.04.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5414-сон Фармони билан умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартлар асосида божхона органлари фаолиятини ҳамда божхона маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорлик ва туризмни фаол ва жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида божхона органлари олдида қўйилган вазифалардан бири “ялпи” божхона назоратини ўтказишдан ҳар томонлама таҳлил асосида божхона назорати объектларини аниқлаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайтириш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимига ўтиш бўлган³.

Шундан сўнг, Давлат божхона қўмитасида 2018 йил 1 декабрдан бошлаб Хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими жорий этилди. Дастлаб ушбу тизим ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида ва халқаро аэропортларда

³ <https://lex.uz/uz/docs/3680568>

жорий этилган бўлса, ҳозирда чегара ва темир йўл божхона постларида ҳам амалиётда қўлланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, божхона ходимлари томонидан содир этилётган коррупцияга оид жиноятларнинг мавжудлиги, божхона қоидабузилиши ҳолатлари миқдорининг ортиб бораётганлиги каби ҳолатлар ахборот-таҳлилий фаолиятдан божхонадаги коррупцияга қарши курашишда унумли фойдаланилмаётганлигини билдиради.

Халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар ўз тажрибаларига асосланган ҳолда ахборот-таҳлилий фаолиятни ҳар қандай муаммони ҳал этишнинг, шу жумладан, коррупцияга қарши курашишнинг замонавий қуролларидан бири сифатида кўришмоқда.

Бунинг сабаби, ахборот-таҳлилий фаолият муаммони ўрганиш, келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, келгусида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича прогнозлар бериш, муаммони бартараф этиш бўйича таклифлар бериш каби жараёнларни ўзида мужассамлаштирган.

Ушбу нуқтадан қараганда, божхонадаги коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлилий фаолиятдан фойдаланиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1-босқич: айнан ушбу вазифани амалга оширувчи ахборот-таҳлил тузилмасини (кейинги ўринларда – АТТ) жорий этиш;

2-босқич: АТТни ҳақиқатда таҳлилий қобилиятга эга ёки ушбу билим ва кўникмаларни ўзлаштирган ходимлар билан жамлаш;

3-босқич: АТТни божхона органлари фаолияти билан боғлиқ барча турдаги маълумотлар, шу жумладан, фойдаланилиши чекланган маълумотлар билан таъминлаш;

4-босқич: АТТ томонидан амалга оширилиши лозим бўлган фаолиятни аниқ чегараларини белгилаб бериш;

5-босқич: АТТ томонидан тайёрланган таҳлилий ҳужжатлардан раҳбарий қарорларни қабул қилишда фойдаланиш.

Эътиборлиси шундаки, АТТ фаолиятини самарадорлигини пасайтирувчи асосий сабаб ҳам коррупция ҳисобланади. Яъни, унга кадрларни жамлашда, зарур маълумотлар билан таъминлашда, шунингдек, вазифаларини белгилаб берилишида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилиши, АТТ томонидан тайёрланаётган якуний маҳсулот – таҳлилий ҳужжат сифатига салбий таъсир кўрсатади.

АТТ томонидан божхонадаги коррупцияни ўрганишда қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

- божхона органларида коррупция деб баҳоланадиган хатти-ҳаракатларни аниқ белгилаб олиш;
- божхонадаги коррупцияни юзага келтирувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш;
- божхонадаги коррупцияга мойиллик даражаларини белгилаш;
- коррупциянинг даражалари асосида барча таркибий тузилмаларни гуруҳларга ажратиш;
- божхонадаги коррупцияни содир этилишида иштирок этувчи томонларни аниқ белгилаб бериш;
- коррупцияга мойил божхоначи портретини тавсифлаш;
- божхонадаги коррупция юзага келиши мумкин бўлган соҳаларни белгилаб бериш;
- божхонадаги коррупция ҳолатларининг статистик ва омилли таҳлилини юритиш;
- божхонадаги коррупцияни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- божхонадаги коррупцияни ривожланиш тенденцияларини доимий ўрганиб бориш;
- божхонадаги коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқилишида иштирок этиш ва бошқалар.

ХУЛОСА

Божхона органлари фаолияти иқтисодий хавфсизликни таъминловчи ва бу орқали давлат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи орган ҳисобланади. Божхонадаги коррупция даражасининг ортиб кетиши давлатга контрабанда ашёлар: гиёҳвандлик ва психотроп воситалари, қурол-яроғ, ядровий қуролларни ишлаб чиқариш учун моддалар кириб келиши, божхона тўловларини ундирилмай қолиши, сифатсиз ва инсон саломатлиги учун хавфли бўлган товарларни импорт қилиниши каби таҳдидларни юзага келтиради.

Коррупциянинг латентлик даражаси юқорилиги учун унга қарши курашиш мураккаб жараён бўлиб, замонавий тенденциялар ушбу жараёнга янгича қарашлар ва инновацион ечимларни қўллашни тақозо этмоқда.

Коррупцияга қарши курашишдаги самарадорлиги юқори воситалардан бири ахборот-таҳлилий фаолиятни қўллаш ҳисобланади. Чунки, ахборот-таҳлилий фаолият фақатгина аниқланган коррупцияга оид жиноят учун жазо

қўллаш ёки уни аниқлаш билан чегараланиб қолмай, уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга хизмат қилади.

Юқоридагиларга кўра, божхонадаги коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлилий фаолиятни қўллаш бўйича қуйидаги таклифлар билдирилади:

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Ахборот-таҳлилий тузилмани жорий этиш;

2. Ушбу тузилманинг вазифаларини белгилаб бериш ва унинг натижаларида чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида фойдаланиш.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.
2. Темиров Д.Н. Ахборот таҳлилий маълумотнома қандай ёзилади. Амалий қўлланма. – Т.: Олий мактаб, 2005.
3. Исламов И.Н, Худайназаров У.С. Ўзбекистонда таҳлилий тузилмалар фаолиятини ривожлантириш масалалари. Тизимли тадқиқотлар 3/2021. СТИБОМ
4. Курносков Ю.В. Аналитика как интеллектуальное оружие. – М.: Ритм, 2015. – С.29.